

Шохруҳ ИМОМБОВ
СЎЗИМДАГИ ДУНЁ
(шеърлар)

ГУЛЛАЁТГАН СЎЗ

Сўз-энг илоҳий ва покиза неъмат. Унинг замирида софлик, жилгадек ўйноқилик ва шамоллар каби сурур бор. Шохруҳ Имомбоев ҳам айнан сўзидаги дунёсини қаламга олиб, ўз мисраларида бизни ана шундай соҳирий сеҳрлар томон ундайди. Унинг кўнгил дунёсидан тўкилган қатралар кўнглингиз торларини чертмасдан қўймайди. Шохруҳнинг ижодида инсоний энг мусаффо туйғулар ва ҳислар жаранглайди. Ижод остонасида турган бу йигитимизга ўзи каби безубор ижод парвози ҳамиша ҳамроҳ бўлишини истаймиз. Унинг сўзидаги дунёси сиз-у бизнинг ҳам дунёйимизга бахт ва меҳр улашаверсин.

Рустам МАЛИКОВ,

ОТАЖОН

*Эсимда, аёзли қишининг тунда
Лайлакқор тўзгиган пардек еларди.
Ҳар кеча изгирин шамол бағрида
Совуқда дадамлар ишдан келарди.*

*Нур томиб турувчи гулгун юзидан
Совуқнинг азоби кетарди ўтиб.
Эшик очардилар тўлиб шодликка,
Титроқ қўлларида бир жуфт нон тутиб.*

*Ўзи юрганда ҳам оч, яланг, юпун
Болам деб азобга чидаб яшаркан.
Ўшанда бир-бора англамабман ҳеч-
Дадам фариштага жуда ўхшаркан.*

*Сизни хотирлайман, бир зум кўрмасам,
Юракдан соғинчлар кетмайди энди.
Менинг қўлларимга нонлар ушатган,
Қадоқ қўлингизни силасам эди.*

МАЙСАМАН

*Майсаман оёгинг остидаги бир,
Қадаминг ортидан чопгим келмоқда.
Қучоқлаб, изларинг бағримга босиб,
Сен ўтган йўлларни ўнгим келмоқда.*

*Майсаман тупроққа қадди қадалган,
Руҳим парвоз этар кўкда қушдайин.
Кафтингга қўнсин у капалак бўлиб,
Кел, жоним, қалбингни юз бор ҳушлайин.*

*Майсаман бағримни бос қучоғингга
Сўнгни бор сен томон етсин йўлларим.
Айланай хазонга кўксингни қучиб,
Юзларингни силаб қолсин қўлларим...*

АЁЛ

*Харрир рўмолларин ўраб бошига
Қаддини тик тутиб келади аёл.
Армони қўшилиб кетар ёшига
Дардига азалар очади шамол.*

*Хаёллар поёнсиз, туйғулар эрксиз
Орзуси топдими нахотки завол.
Қадоқ қўллар ёшин артганча, эссиз
Қаддини тик тутиб келади аёл.*

*Ўртайди не азоб, қалбини ногоҳ
Не синов у учун айланди малол.
Илғай олмас бир зум дардини нигоҳ,
Қаддини тик тутиб кетади аёл .*

*Сочилади сочлар рўмол тагида
Хислари бўзлайди кўнгилда сарсон.
Хандалар бегона бўлиб лабида
Бир аёл кетади ҳали ҳам , ҳамон.*

ОНА СОҒИНЧИ

*Ёшларим ҳар томон сочилиб кетар,
Кафтларим ораси хижронни тутар,
Бир ўкинч қалбимни қийнабла ўтар,
Айтинг, ким онасин соғинмаяпти?*

*Қаддим эгиб қўйди мени соғинчлар,
Умидлар қалбимга танхо овунчлар,
Руҳим аро кезиб юрсин севинчлар,
Айтинг, ким онасин соғинмаяпти?*

*Мусофир дўстларим қилсак биз сафар,
Йўлимиз зор кутар хатто тонг саҳар,
Тин олмайин чиқса кундузга қадар,
Айтинг, ким онасин соғинмаяпти?*

*Пойида ястанган тупроқ бўлайлик,
Кафтида юз очган япроқ бўлайлик,
Бағрига бош қўйиб, йиғлаб- кулайлик
Айтинг, ким онасин соғинмаяпти?*

УНУТМОҚ ШАРТИ

*Ўчир майли мени қалбингдан
Юрагингда қолмасин ўрним.
Сен бермаган битта меҳрнинг
Заррасини тангридан кўрдим!*

*Эскирдими туйғулар энди,
Сўзлар наҳот сеҳрин йўқотти.
Отаида ёққан мухаббат
Зулмат ичра қуёшдек ботди.*

*Сарсон этар соғинч онлари
Юрагимга измим бермасман.
Изласанг ҳам уйқуларингда
Тушларингга қайтиб кирмасман!*

*Унутганча соҳир ишқингни
Муҳаббатдан тониб кетарман.
Аммо дилда буюк номингни
Ўчирмасдан асраб ўтарман!*

*Тушларингда эшилса руҳим,
Қўлларингни тутсам беҳадик.
Нафасингда оқсайди қоним,
Севсанг эди мени менчалик.*

*Нигоҳингда оҳ бир тола нур,
Сочларингда анбар бўлсайдим,
Кипригингда музлаган шуур
Орасида мен ҳам ўлсайдим.*

*Номинг эслаб ўтар ҳар оним
Сенсиз лаҳзам абадий фироқ,
Ҳавотирда чўқилар жоним
Сенинг ҳолинг менга бир сўроқ.*

*Кошки мени бир зум севсайдинг
Муҳаббатдан ёнса қабогинг.
Тушларимга кириб келсайдинг
Унут бўлса сенинг сўрогинг.*

*Жонимга ишқ малҳамин қўйсанг
Ашқинг юзим силаб ўтсайди.
Басе,сенинг ўтли хижронинг
Мангу унут бўлиб кетсайди.*

*Мендин сўрсанг дардларим ёниб,
Лабларингни ўпсайдим бир- бор
Энди ишқинг гамин сипқориб
Кўзларингга синмогим душвор.*

*Тушларингда эшилмас руҳим
Тутолмасман қўлинг беҳадик.
Ортингда зор қоламан, фақат
Севолмайсан мени менчалик....*

КУТИШ

Уфқ ёрилди сукунат маҳал
Ой шуласи эланди узоқ,
Кўзларимни юмгуним қадар
Сизга шунча бўлдимми муштоқ.

Зардолилар ўтар ялтираб
Титраб кетар майсалар лаби.
Гуллар ерга кўксини тираб,
Беҳуш қолар, худди, мен каби.

Парчаланди гўё кўкда ой,
Юлдузчалар сўнади синиқ.
Тунги гуллар очади чирой,
Оқшомига бўлганча интиқ.

Шаббодалар ўй сурар узоқ
Кўтарилар заминдан субҳ.
Дарахтларнинг япроқларидан
Таралади оловли шукҳ.

Сукунат ҳам дарс кетар бирдан,
Дарахт кўкка шоҳин илади.
Сиз келмайин барқутли қирдан
Қуёш уфқни босиб келади.

СЕНСИЗ

*Дардим гуллаб кетар бир кун ишқдан ўзиб,
Орзу бергин, армонларнинг йўлини тўсиб,
Ёдинг ҳамроҳ, соғинчларга кўксим босиб,
Муҳаббатдан кечмайдиган қилиб кетгин.*

*Интизорман, туйғуларим гувоҳ эрур,
Савобимни ёлғизгина Оллоҳ билур,
Энди сени севмоқ ўзи гуноҳ эрур,
Гуноҳларим ўчмайдиган қилиб кетгин.*

*Соғинчлардан тўйиб армон келди кўп бор,
Дардларимга қўшилишиб йиғлайди тор,
Ўлсам, руҳим вужудингда кезиб бедор,
Нафасингдан ўчмайдиган қилиб кетгин.*

*Кетсанг висол бўлиб қолса дилда доғим,
Изларингда хазонларга кўчса боғим,
Осмонларга етса ҳамки урган оҳим,
Юрагинга етмайдиган қилиб кетгин!*

СЕВАМАН

*Согинч сўлдиради умримни аста,
Парвонангиз бўлиб йиғлаб-куламан.
Сахроларда қолган чечакдай хаста,
Бир умр мен сизни ёниб севаман.*

*Ахтардим, минг бора ўтган йўлингиз,
Илғамас қалбингиз мени бир нафас.
Нигоҳлар оҳиста тутса қўлингиз
Орзулар бўй чўзар қилиб зўр ҳавас.*

*Юлдуздек сочилар баъзида қалбим,
Сиз ўтган йўллардан бахтлар тераман.
Пойингизга тўкиб чақалик қадрим,
Бир умр мен сизни ёниб севаман.*

*Мен кимман, аслида сиз учун кимман?
Ёниб суйган қайноқ юрак бор ҳолос.
Қадримиз қўл етмас осмонча бўлмас,
Тупроққа қоришиб қолганларим рост.*

*Янчиламан баъзан хижрон тўрида
Юлдуздек сочилиб ойдек тўламан.
Эрмак бўлиб мангу тақдир қўлида
Бир умр мен сизни ёниб севаман!*

*Сен томон йўллари адашган
Қирларда шамолдек елсайдим.
Лаҳзаларни улаб йилларга
Қучоғингни топиб келсайдим.*

*Ёмғир бўлсам, ювиб армонинг
Йўлларингга томиб тўлсайдим,
Кипригингда узилмай қолган
Согинч ёшинг бўлиб қолсайдим.*

*Армонлар қўпрган бағрингда
Майсадек юз очиб тўлғонсам.
Кечалар кўксингга бош қўйиб,
Тонгда қуёш бўлиб уйғонсам.*

*Унутсам ўзимни сўнги бор
Кезиб юрсам эди жонингда
Нафасинга руҳимни қўшиб,
Сингиб кетсам сенинг қонингга.*

*Ёдингда мен мангу қолсайдим
Номинг эслаб ўтса ҳар оним,
Оқиб бориб юракларингга
Вужудингда яшаса жоним.*

*Қўлларингдан тутса орзулар
Йўлларингга уланса йўлим,
Юрагингга етиб, мен омон,
Нафасингда қолай Севгилим...*

БОЛАЖОН

*Тилагин, болажон, энг пок тилаклар,
Юксак чўққиларга таишлагин қадам.
Бахтнинг суруридан қонсин юраклар,
Ахир шодланмоққа ҳақли ҳар одам.*

*Тилагин, чекинсин, қалбингдан қайғу,
Умид ниҳолига тўлсин ҳар томон.
Кўзинг қароғида улғайсин орзу,
Битта зарраси ҳам топмасин армон.*

*Жажжи юрагингга истаклар тўлсин,
Шодликлар қалбингни айласин фараҳ.
Бахтлар пойларингда ястаниб кулсин,
Умид ниҳолидан унсин зўр дарахт.*

*Оқар лаҳзаларнинг қўлларидан тут,
Ҳар эзгу иш учун тополгин имкон.
Умир дафтаринга тўлсин яхшилик,
Қара, меҳрга зор, ҳар битта инсон.*

*Армон кунларида қувончлар яса,
Измингда ҳар келар кунинг ўтаркан.
Орзуларга интил, мақсад-ла яша,
Токи сени буюк ватан кутаркан.*

УЙҒОНИШ

*Куз келибон баҳор гуллари
Саргаяди менинг йўлимда.
Япроқларда ўйнаган мезон
Ялтирайди юрган йўлимда.*

*Мудроқ босган эски чинорлар
Уйқусини аста қувади.
Сув бўйида беҳуш майсалар
Юзларини аста ювади...*

*Ойдин, ойли тунларда ёлғиз
Моҳ аксини музликда кўрар.
Қор остидан бошин кўтариб
Бойчечаклар яна ниш урар.*

СИЗНИ ИЗЛАБ

*Хазонларга тўлди йўлак,
Согинчдан қалбим минг бўлак,
Исмингизни айтиб юрак,
Излар сизни эй дўстгинам.*

*Дунё қарши олди кузни,
Хазонлардан сўрдим сизни,
Қалбим айтиб согинч сўзни,
Излар сизни эй дўстгинам.*

*Юрагимда оғир армон,
Бу дардимга бўлинг дармон,
Минг азобга кўникиб жон,
Излар сизни эй дўстгинам.*

ОНА ТУЛКИ

*Тулкининг бир ўрмонда
Тўрт боласи бор эди.
Она шўрлик ҳар кун,
Бир емишга зор эди.*

*Ўлжа излаб бир кун
Кетди қишлоқ томонга.
Каттакон бир ғоз тутиб,
Қайтди яна ўрмонга.*

*Она қайтса унига
Ўлиб ётар болалар.
Овга кетган чоғида
Ўлдирганди овчилар.*

*Она боласин қучиб,
Фалакка оҳу солар.
Юракдан бахти учиб,
Ўрнида армон қолар.*

*Инграб ётиб кечгача
Сўнг кўзга олди уйқу.
Қуёш яна чиққанда
Қайтиб уйғонмади у.*

ОМАДСИЗ ОВ

*Кеча денгиз бўйига
Ов қилгани боргандик.
Суюнгандан ошиқиб,
Фақат қармоқ олгандик.*

*Хўрак тополмай шошиб,
Ҳар томонга ёйилдик.
Неча қирғоқни ошиб,
Бир дона хўрак топдик.*

*Қармоққа илиб уни
Денгиз томон ташладик.
Катта, семиз балиқни
Шошмай кута бошладик.*

*Қармоқ аста силкинди
Мен тортиб олдим уни.
Барча ўлжани кўриб,
Деди:-Кутганим шуми?*

*Каттакон бир балиқнинг
Ўрнида эски шиппак.
Энди яна орқага
Балиқсиз қайтсак керак.*

ҚОР ЁҒАДИ

*Ташқарида туманли кўча
Бўғизимда нафас бугади.
Тўхтамасдан тушиб тонггача
Яна тинмай қорлар ёғади.*

*Йўлларимга пардек тўкилиб
Орзуларга умид бозлади.
Тун бағрида заминга тўлиб
Яна тинмай қорлар ёғади.*

*Соғинч солиб сокин дилимга
Эзгуликка қалбим чоғлади.
Кеча-кундуз юрган йўлимга
Яна тинмай қорлар ёғади.*

*Оптоқ қорнинг бағрида кулиб
Юракларга бахт тўлаверсин.
Эзгуликнинг элчиси бўлиб
Йўлакларга қор ёғаверсин.*

ИСТАК

*Нафасимга ўшал номинг сингиб кетган,
Нигоҳларинг қолиб кетган қадоғимда.
Сояларинг кипригимга тушиб ўтгай,
Сенинг исмин мангу қолган дудоғимда.*

*Ўшал ёдинг билан ҳамон яшар юрак,
Ҳамон ишқим боғларида хазон қолар.
Бўғриқади бу танимда ожиз тилак,
Сенинг кетган йўлларингда қалбим ёнар.*

*Муҳаббатинг юрагимга тизлар урар,
Согинч жоним ичра бахтлар ичиб бўлмас.
Томиримда сенинг ишқинг кезиб юрар,
Ҳеч бир замон бу туйғудан кечиб бўлмас.*

*Сенсиз умрим соврилади сахро бўлиб,
Зарраларим қучоғингга териб кетгин,
Кетар бўлсанг, нафасимдан руҳинг олиб,
Юрагимни армонларга бериб кетгин.*

АРМОН

*Баъзида туйғулар бермайди таскин
Гоҳ дўстим кетади ўзомдан тониб.
Соҳир ишқ четласа қалбимни мудом
Ким мени кутади сенчалар ёниб.*

*Нигоҳимга сингган кўзларинг сеҳри
Руҳимда нафасинг кезиб юрибди.
Ҳар кеч тушларимда бир мунис аёл
Менга қўлларини силкиб турибди.*

*Қўлингни тутмоққа етмайди қурбим
Соғинч оташларин ўчиролмайман.
Сенга бир Ширин сўз айта олмаган
Ўзимни ҳеч қачон кечиролмайман....*

СИРДОШИНГ БЎЛСА

*Бошингга зам тушганда ногоҳ,
Ташишингдан бўлгувчи огоҳ,
Яшии-ёмон кунингга гувоҳ,
Ёнгинангда бир сирдош бўлса.*

*Алам келса қалбингга бу кун,
Ёниб-куяр, қара сен учун,
Ярим кўнгил бўлар бир бутун,
Ёнгинангда бир йўлдош бўлса.*

*Хижрон келиб букса қаддингни,
Синдирмоқчи бўлса сабрингни,
Баланд тутар ҳатто, қадрингни,
Ёнгинангда бир қўлдош бўлса.*

*Бахтлиман-де, ҳаётга интил,
Меҳр билан тўла бўлсин дил,
Ҳар кунингга қувон, шукр қил,
Ёнгинангда бир дилдош бўлса.*

БОБУР

*Андижон соғинчи-ватан соғинчи,
Кўзларидан селоб ёш бўлган Бобур.
Паркент тупроғида излари қолган,
Соғинч юрағида тош бўлган Бобур.*

*Чарҳнинг жабрлари жонидан ўтиб,
Жафоларга кўксин тутди мардона.
Жангларда золибу кўнглида мағлуб,
Ўзга юрт аслида унга бегона.*

*Навоийни устоз билиб ўзига.
Замонасин улуг шоири бўлган.
Қалбида гадо-ю, ўзга бир юртга
Шоҳ бўлиб, ўртаниб, бағрини тилган.*

*Шоҳликда шоир у шоирликда шоҳ
Ҳар сўзни айлади гўё мисли дур,
Замонлар ўтади, замон ўтади
Ўзбекнинг ёдида мангудур Бобур.*

ЯНГИ ЙИЛ

*Кунлар, ойлар, ўтиб аста.
Куз бўшатди қишга йўлни.
Согинчлардан бўлиб хаста,
Кутаямиз янги йилни.*

*Йўлақларда оппоқ қорлар,
Орзуларга бошлар дилни.
Юракларда согинч порлар,
Кутаямиз янги йилни.*

*Тушаётган оқ парларга.
Очаямиз бу кўнгилни.
Юрак минг бор тўлиб-тўлиб,
Кутаямиз янги йилни.*

НАВОИЙНИ СОҒИНАР КҶНГИЛ

*Замонасин шамс-ул миллати,
Довруғ солган ҳар бир хислати,
Қуёш каби порлоқ ҳикмати,
Навоийни соғинар кўнгил.*

*Ўзга дардин ўзники билган,
Зотлар асли асл зот экан,
Бутун миллат қалбидан севган,
Навоийни соғинар кўнгил.*

*Эл кўзида кўрса агар нам,
Чидолмасди вазири аъзам,
Қайтишига ишониб ҳар дам,
Навоийни соғинар кўнгил.*

ТАФОВУТ

*Майли, макон бўлсин, севгимга сароб
Майли,бу дунёда қолай беқўним.
Мен учун бахт эрур асли изтироб,
Бахт эрур ёш тўкиб ўткан ҳар куним.*

*Дўстим, мен ҳам сендек ожиз ва ночор
Сендек малоллидир менинг йўлларим.
Ўртада тафовут битта эҳтимол
Сен айтган сўзларни билмас тилларим....*

ЭҲТИРОМ

(М.Юсуфга)

Қорликларда гул унмай ҳали
Унгурларда кезганда шамол.
Орзуларга бир он чўмгали,
Турар эди бир йигит ҳушҳол.

Чўққиларга термулди узоқ
Эпкинларга тутди юзини.
Шовуллади шамоллар бироқ,
Юволмади унинг изини.

Кўтарилди нафаси кўкка
Осмон нурга тўлди сар-сари
Бундай улуг инсонни сира
Кўрмаганди тоғлар илгари.
Чўққиларга ташлади қадам
Изларига ёғилди ёғду.
Қирликларга бериб эҳтиром
Буюкликка чиқиб кетди у.

Қорликларда қолган излари
Ювилмайди, ўчиб қолмайди.
Муҳаммадни сева олмаган
Она юртин сева олмайди.

СУРАТ

*Хаёлимда ҳорғин ва беҳол
Қиёфангни аста чизарман.
Сурадингни энди эҳтимол
Тиниқ ранглар билан безарман.*

*Кўзларингга тортаман қора
Ялтирайди, синиқ тун каби.
Сурагда ҳам унсиз хотира
Борга ўхшар тирик сингари.*

*Қиёфангни чизаман бадар
Жонланишинг мангу кутгали.
Ҳаётимнинг сўнггига қадар
Уни омон асраб ўтгали.*

ЙЎЛЛАР

*Ҳали борар йўлларим узун
Нелар унут, нелар бўлар ёд.
Юзланаман дунёга бугун
Остонамдан бошланар ҳаёт.*

*Унсиз ётар тунги соялар
Кўтарилар уфқ ҳарорати.
Янги илҳом, янги гоёлар
Берар менга йўл асорати.*

*Орзуларим осмон биродар
Мен етмаган бахтларим бисёр.
Йўлатмайин қалбимга кадар
Яшайвергум узоқ бахтиёр.*

*Замонларга юз тутиб ҳали
Ёниқ нафас бўлади шерик.
Изим тушган ушбу йўлларда
Руҳим мангу қолади тирик.*

ИСТАР ЭДИМ

*Сизни ўйлаб рангим сомон бўлмоғлигин истар эдим.
Висол тилаб соғинч жоним олмоғлигин истар эдим.*

*Дилда қайғу, дилда ташвиш, дилда битмас ғам-алам,
Жабру ситам озорлари тинмоғлигин истар эдим.*

*Нафасимга кўчиб оҳим ашки қаро қон йиғлагай,
Ҳасрат сувин тўкиб дардим оқмоғлигин истар эдим.*

*Мендин кечиб руҳим яна кетар тунгги туман аро,
Басъе бу кеч ўзлимдан кечмоғлигин истар эдим.*

*Кипригингиз орасида дийдорлара бўлиб шерик,
Кўзингизда зиё бўлиб қолмоғлигим истар эдим.*

*Аччиқ хазон лабларини ўпдим бу кеч
Нетай шунга раво кўрди мени тақдир.
Пушаймонга тортаверар руҳимни куч
Вужудимни босиб келар тилсиз тахқир.*

*Унгурларда тош қотгандек жим-жит сукут
Кўтарилар тупроқлардан кўкка қадар.
Шуурларда хотиротлар бўлса унут
Ўтмишларсиз бизлар киммиз эй биродар.*

*Ёришмайди самовотнинг қора рангги
Очун мисли сукунатда бўлар абас.
Дил дардига олий малҳам қўйиб Тангри
Дўстларимдан мени айро этмаса бас!*

*Теграмизда айланар борлиқ
Тебранади бу кўҳна осмон.
Гўё бизга аталмиш тортиқ
Самовотдан тўкилган мезон.*

*Бирлашади руҳимиз мангу
Кўтарилар бахтимиз қўкка.
Ерда қолган вужудимиз бу
На тирик на ўхшар ўликка.*

*Ором топдик осмонда эркам
Булутлардек оппқ кўнглимиз.
Муҳаббатдан диллари бекам
Мангу ишқли ўтсин умримиз.*

БОЛАЛИК

*Эшигингдан бир ажиб туйғу
Илдамлайди кўкларга шошиб.
Унинг ҳатто бир заррасини
Қололмайсан кўксингга босиб.*

*Ташвишларга кетасан чўкиб
Йиллар захри чақади секин.
Тақдирингдан недир кутасан
Кундалигинг бир хилда, лекин.*

*Уйдан ишга қатнайсан яна
Ёлғизликдан тўйиб кетас ан.*

*Одамлардан олиб ўзингни
Пичоқларсиз сўйиб ўтасан.*

*Юрагинга чўкади тублик
Қароғингда ташвиш унади.
Ортингдаги йўлингга қараб,
Кўзларингга ёшлар инади.*

*Нигоҳларинг қилади таъна
Меҳр сўрар ярим толалик.
Шунда қадрин англайсан яна
Орзулари осмон болалик.*

ТАБИАТ

*Тошдан- тошга сакрайди оҳу
Қояларга босиб изини.
Субҳидамда беҳуш майсалар
Ёмғирларда ювар юзини.*

*Тарқалади самодан ёғду
Ҳар бир гиёҳ, ҳар бир зотгача.
Лолаларнинг анварли иси
Кўтарилар самовотгача.*

*Шаббодалар эсар бир майин,
Экин тиним билмайди сира.
Уфқ бағрини ёрар камалак
Англолмасман бу не мўжиза?!*

*Шабнамларга урилар хаёл
Нафасимга эрк бўлар шерик.
Ҳар саҳарда англайман кўпбор
Инсон асли борлиқ-ла тирик.*

УЎК:821.512.133-1(081)

КБК: 83.3(5 ўзб)

И-55

И-55 Шохруҳ, Имомбоев.

Сўзимдаги дунё(шеърлар)/ Ш.Имомбоев.

-Тошкент: “Чекхов” нашриёти, 2022.-32б.

Адабий- бадиий нашр

ШОХРУҲ ИМОМБОВ
СЎЗИМДАГИ ДУНЁ

Шеърлар

Мусахҳиҳ: Р.Маликов

Босишга 26.08.2022 йилда берилди.

Офсет қозғоз. Қозғоз бичими: 70х90

Адади 100 нусха

Буюртма №56

“Чекхов” босмахонасида нашр этилди.

Нашриёт манзили Тошкент ш. Ойбек кўчаси